

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ
ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСРАҚУЛОВ АБДУРАХМОН СУЛТОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Асракулов Абдурахмон Султонович
Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашнинг эконометрик тадқиқи 3

Асракулов Абдурахмон Султонович
Эконометрическое исследование обеспечения занятости населения в
Узбекистане 29

Asrakulov Abdurakhmon Sultonovich
Econometric research of ensuring employment of the population in Uzbekistan.. 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 61

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ
ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСРАҚУЛОВ АБДУРАХМОН СУЛТОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Iqt800 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instat.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Адхамов Мамажон иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ғайибназаров Баходир Каримович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Байхонов Баходир Турсунбаевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: info@instat.uz.

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида (___ рақам билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2021 йил “__” _____ куни тарқатилди (2021 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., ЎзР ФА академиги

К.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.К.Ғайибназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг бугунги босқичида мамлакатлар тараққиёти даражасини баҳолашда нафақат узоқ давр устувор аҳамият касб этган иқтисодий кўрсаткичларнинг, балки устун равишда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини намоён этувчи ижтимоий тавсифдаги кўрсаткичларнинг ҳам ўрни ортиб бормоқда. Мазкур кўрсаткичларнинг асосий қисми аҳоли бандлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан таркиб топганлиги, ривожланган мамлакатларда бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида “инсон капитали”га урғу берилаётганлиги инобатга олинса, аҳоли бандлиги ва у билан боғлиқ муносабатларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Халқаро меҳнат ташкилотининг прогнозларига кўра, 2023 йилга бориб дунё аҳолисидан 3,7 млрд. киши меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини, шундан иш билан банд аҳоли сони 3,5 млрд. кишини ва ишсизлар сони 0,2 млрд. кишини ташкил этади. Агар ушбу даврга келиб дунё бўйича банд аҳолининг 55 %га яқини норасмий бандларни ташкил этишини ҳисобга олинадиган бўлса, халқаро меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини кўп омилли таҳлил асосида тартибга солиш ҳамда бандлик даражасини оптималлаштиришда унинг замонавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олиш лозим¹.

Ҳозирда жаҳоннинг турли илмий марказлари, олим ва мутахассислари томонидан аҳоли бандлигини таъминлашнинг турли моделлари, бандликка таъсир этувчи омиллар тавсифи ва мазмунидаги ўзгаришлар, жаҳон меҳнат бозоридаги турли шароитларда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари, меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йиллардаги жадал ислохотлар натижасида сифат ва миқдор жиҳатидан самарали бандликни таъминлашга йўналтирилган янги тизим шаклланди. Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш»² муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Айниқса, глобал коронавирус пандемияси шароитида аҳолини бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш орқали кўллаб-қувватлашга, ўзини ўзи банд қилишнинг янги шакллари рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда миллий меҳнат бозорида аҳоли бандлигини эконометрик тадқиқ этиш, кўп омилли таъсирларни баҳолаш асосида бандликни тартибга солиш модель ва механизмларини

¹ World Employment and Social Outlook: Trends 2019. International Labour Office. – Geneva: ILO, 2019. pp. 11–12, 84–85.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ–4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – www.lex.uz.

такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5052-сонли фармонлари, 2017 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3856-сонли, 2020 йил 18 майдаги “Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4716-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли бандлигининг моҳияти, бандлик моделлари, бандликка омиллар таъсири, бандлик кўрсаткичларини такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини эконометрик тадқиқ асосида моделлаштириш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу борада хорижий олимлардан Ж.Кейнс, Ж.Форрестер, М.Портер, Р.Дорнбуш, С.Фишер, Г.Мэнкью, Эрнандо де Сото ва бошқаларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Ж.Кейнс томонидан бандликнинг неоклассик модели³, Ж.Форрестер томонидан жаҳоннинг иқтисодий ўсиш моделлари⁴ ишлаб чиқилган, М.Портер, Р.Дорнбуш, С.Фишер ва Г.Мэнкьюлар аҳоли бандлигини ўз ичига олувчи иқтисодий ўсиш моделларини асослаб беришган⁵, Эрнандо де Сото томонидан эса норасмий бандлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида киритилиб, уни юзага келтирувчи омиллар асослаб берилган⁶.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида меҳнат бозорида бандлик жараёнларининг омилли таҳлили ва уларни тартибга солишнинг назарий жиҳатлари В.В.Адамчук, А.И.Рофе, Ю.Д.Одегов, С.А.Аронова, А.М.Моисеев, С.Г.Резинкина, Е.В.Семерикова каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган⁷. Ушбу тадқиқотларда олимлар бандлик ва унинг

³ Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. / Дж. М. Кейнс. – М.: ЭКСМО, 2007.

⁴ Форрестер Дж. Мировая динамика. –М.: Наука, 1978.

⁵ Портер М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Пер. с англ. Е. Калининой. –М.: «Альпина Паблишер», 2008. – 720 с.; Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика /Пер. с англ. – М.: Изд-во МГУ: ИНФРА-М, 1997. – 784с.; Мэнкью, Г.Н. Принципы экономики / Г.Н.Мэнкью; 1999. – 780 с.

⁶ Де Сото Эрнандо. Иной путь. Невидимая революция в третьем мире. –М.: Catallaxy. 1995.

⁷ Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда: учебник для вузов. – М: ЮНИТИ, 2001. –407 с.; Экономика труда: учебник / А.И.Рофе. – 2-е издание. –М: КНОРУС, 2011. –392 с.;

хусусиятлари, шакллари ва турлари, пайдо бўлиш шароитларини назарий жиҳатдан ўрганиб (В.В.Адамчук, А.И.Рофе, Ю.Д.Одегов), бандликка омиллар таъсири (С.А.Аронова, Е.В.Семерикова), бандлик жараёнини омилли таҳлил қилиш асосида моделлаштириш (С.Г.Резинкина), меҳнат бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (А.М.Моисеев) масалаларини амалий жиҳатдан баҳолашга эътибор қаратишган.

Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш, бандликнинг табиати ва хусусиятлари, шакл ва турлари, бандлик кўрсаткичларига омиллар таъсири, бандлик жараёнларини моделлаштириш масалалари Қ.Х.Абдурахмонов, Б.А.Бегалов, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғайибназаров, Ш.Р.Холмўминов, Ю.К.Мухамедов, Ҳ.Т.Мухитдинов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган⁸.

Ўзбекистонда меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари, ишсизлик ва унинг миллий меҳнат бозоридаги ўзгариш тенденциялари, шу билан бирга меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан асослаш, соҳа фаолиятида ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган эконометрик модель ва механизмлардан фойдаланиш ҳамда истиқболларини прогнозлаш масалалари олимлар томонидан тадқиқотларда ўрганилиб, уларга маълум ёндашувлар асосида ечимлар топилган. Аммо республикада аҳоли бандлигини таъминлашнинг эконометрик тадқиқи, бандликни таъсир этувчи омилларни баҳолаш асосида тартибга солиш механизмларини назарий-услубий жиҳатдан ўрганиш ва унинг соҳани истиқболда ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим масала бўлиб, эндиликда бу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш,

Экономика труда: учебник / Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко. –М: ParaType, 2010. –792 с.; Аронова С.А. Качество рабочей силы и факторы его формирования (монография). – Орел: Орловский государственный университет, 2004.; Программно-целевое управление развитием образования: опыт, проблемы, перспективы/ Под ред. А.М.Моисеева. –М.: Педагогическое общество России, 2001. –256 с.; Резинкина С.Г. Модели анализа занятости и безработицы в России. Автореферат диссертации на соискание уч. степ. канд. экон. наук. – Ростов-на-Дону, РГЭУ “РИНХ”, 2004 г. – 28 с.; Семерикова Е.В. Использование пространственной зависимости в региональных исследованиях на примере анализа безработицы в России и Германии. Автореферат диссертации на соискание уч. степ. канд. экон. наук. – М.: МГУ, 2017 г. – 28 с.

⁸ Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. Қ.Абдурахмонов. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Fan” нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 592 б. Шодиев Т.Ш., Хакимов Т.Х., Болтаева Л.Р., Ишназаров А.И., Нуруллаева Ш., Муминова М.А. Эконометрика. Ўқув қўлланма. . –Т: ТДИУ, 2007. – 178 б.; Ғайибназаров Б.К., Колонова Л. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. –Т.: Фан, 2007.- 106 б.; Ш.Р.Холмўминов. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (монография). – Т.: Фан ва технология, 2014. – 32 б.; Мухамедов Ю.К. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2006, – 47 б.; Мухитдинов Ҳ.Т. Бозор мувозанати макроиқтисодий кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2001, – 23 б.

миллий иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизда аҳоли бандлигини эконометрик тадқиқ этиш ва истиқболларини прогнозлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бандликка таъсир этувчи омиллар таснифини такомиллаштириш орқали омил кўрсаткичларининг интеграллашган тизимини ишлаб чиқиш;

кўп омилли боғланишлар асосида меҳнат бозоридаги норасмий иш ўринларини эконометрик баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

норасмий бандлик чегараларини аниқлаш ва унинг чегараларини белгилаш услубийтини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

дифференциал тенгламалар тизимидан иборат когнитив G-модель асосидаги меҳнат бозорини ривожлантиришнинг комплекс моделини ишлаб чиқиш;

миллий статистика тизимидаги меҳнат бозори кўрсаткичларини йиғиш ва умумлаштириш борасида мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва ечиш йўллари асослаш;

Ўзбекистон иқтисодийида банд аҳоли сони ўзгаришининг кўп омилли модели ва ўрта муддат учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги банд аҳоли олинган.

Тадқиқотнинг предмети меҳнат бозоридаги аҳоли бандлиги ҳолатини ўрганиш, унга омиллар таъсирини эконометрик таҳлил этиш ҳамда прогнозлаш билан боғлиқ жараёнлардаги муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, қийсий таҳлил, эксперт баҳолаш усули, статистик таҳлил, тизимли таҳлил, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва таҳлил этиш, PEST таҳлил, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

худудлар ва тармоқлар кесимида бандлик ҳолатининг ўзгаришида юзага келадиган тенденциялар ҳамда аҳоли бандлигига таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, технологик омилларни статистик баҳолаш мақсадида миллий меҳнат бозоридаги аҳоли бандлиги билан боғлиқ омил кўрсаткичлари тизими (экзоген ва казуал омилларни ўз ичига олган) ишлаб чиқилган;

аҳоли бандлиги кўрсаткичининг таркибий қисми бўлган меҳнат бозоридаги норасмий бандлик чегараларини аниқлаш услубийтини такомиллаштириш мақсадида иқтисодий фаолият субъектлари тури ҳамда бандлик шакллари бўйича норасмий иш ўринларини эконометрик баҳолаш тизими (эргодик вақтли қаторлар асосидаги авторегрессион модель шаклида) ишлаб чиқилган;

меҳнат бозоридаги бандлик даражасини баҳолашнинг кўп омилли ўзгаришларни акс эттирувчи, дифференциал тенгламалар тизимидан иборат когнитив G-моделни ўз ичига олувчи меҳнат бозорини ривожлантиришнинг комплекс тизими (дастурий-мақсадли модель шаклида) ишлаб чиқилган;

миллий статистика тизимидаги меҳнат бозори ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичларни кенгайтириш таклиф этилиб, Ўзбекистон иқтисодиётида банд аҳоли сони ўзгаришининг кўп омилли модели ва 2021–2026 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда аҳоли бандлиги борасидаги сиёсатни шакллантириш ва бандлик жараёнларини мувофиқлаштиришни оптималлаштириш имконини берувчи аҳоли бандлигига таъсир этувчи омиллар таснифи такомиллаштирилган;

норасмий бандлик чегараларини аниқлаш борасида миллий меҳнат бозоридаги норасмий бандликни аниқлаш ва унинг чегараларини белгилаш услубиёти такомиллаштирилган ҳамда расмий ва норасмий бандликни аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

миллий меҳнат бозорида аҳоли бандлиги даражасига омиллар таъсири бўйича корреляцион-регрессион таҳлил амалга оширилган ҳамда омилли боғланиш негизида тузилган эконометрик моделлар асосида меҳнат бозоридаги расмий ва норасмий бандлик кўрсаткичларининг ўзгариш истиқболлари баҳоланган;

меҳнат бозорини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини кенгайтирувчи меҳнат бозорини ўрганишнинг когнитив G-моделни асосидаги дастурий-мақсадли модель ишлаб чиқилган ва ундан амалиётда фойдаланиш йўллари асосланган;

ижтимоий-меҳнат кўрсаткичларини йиғиш ва умумлаштириш борасида миллий статистика тизими фаолиятидаги тизимли муаммолар таҳлил қилинган ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этиш, жумладан, бандлик кўрсаткичлари тизимини кенгайтириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тадқиқот натижалари самарадорлигининг математик-статистика ва эконометрика усуллари ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли бандлиги ҳолати, бандликка тегишли мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бандликни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш жараёнларини режалаштириш ҳамда моделлаштириш методологиясини ҳозирги замон талаблари ва инновацион ривожланиш мақсадларига мос равишда такомиллаштириш, ривожлантириш ва бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан миллий меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, омилли боғланиш асосида аҳоли бандлиги кўрсаткичларини прогнозлашда, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш жараёнида, шунингдек, иқтисодий таълим йўналиши талабаларига “Эконометрика асослари”, “Иқтисодий статистика”, “Меҳнат иқтисодиёти”, “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш”, “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашнинг эконометрик тадқиқи борасида олинган илмий натижалар асосида:

ҳудудлар ва тармоқлар кесимида бандлик ҳолатининг ўзгаришида юзага келадиган тенденциялар ҳамда аҳоли бандлигига таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, технологик омилларни статистик баҳолаш мақсадида миллий меҳнат бозоридаги аҳоли бандлиги билан боғлиқ омил кўрсаткичларининг интеграллашган тизими (экзоген ва казуал омилларни ўз ичига олган)ни ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил учун аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишидаги дастур ва йўл хариталарини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 8 июндаги 01/00–04/07–5112-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида давлатнинг бандлик сиёсатини аниқроқ шакллантириш ва таъсир этувчи омилларни бошқариш жараёнларини соддалаштириш асосида меҳнат бозорининг турли даражалари (миллий, минтақавий ва ҳудудий)да бандлик сиёсатини стратегик ва тактик режалаштириш ҳамда амалга ошириш имкони яхшиланган;

аҳоли бандлиги кўрсаткичининг таркибий қисми бўлган меҳнат бозоридаги норасмий бандлик чегараларини аниқлаш услубиётини такомиллаштириш мақсадида иқтисодий фаолият субъектлари тури ҳамда бандлик шакллари бўйича норасмий иш ўринларини эконометрик баҳолаш тизими (эргодик вақтли қаторлар кўринишидаги авторегрессион модель шаклида)ни ишлаб чиқиш борасидаги илмий таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарорининг 1-илоvasида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 8 июндаги 01/00–04/07–5112-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнат бозоридаги мавжуд иш ўринлари иқтисодиётнинг қандай секторига тегишли эканлигини аниқлаш билан бирга эконометрик таҳлил орқали норасмий иш ўринлари ҳажми ва кўламини ажратиш асосида уларни

расмий бандлик мақомига ўтказиш бўйича чора-тадбирларни манзилли ишлаб чиқиш аниқлиги ортган;

меҳнат бозоридаги бандлик даражасини баҳолашнинг кўп омилли ўзгаришларни акс эттирувчи, дифференциал тенгламалар тизимидан иборат когнитив G-моделни ўз ичига олувчи меҳнат бозорини ривожлантиришнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2021 йил учун аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишидаги дастур ва йўл хариталарини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 8 июндаги 01/00–04/07–5112-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган моделнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимиз миллий меҳнат бозорини такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини самарали бандлик даражасига олиб келиш имкони кенгайган;

миллий статистика тизимидаги меҳнат бозори ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичларни кенгайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётида банд аҳоли сони ўзгаришининг кўп омилли модели ва 2021–2026 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2021 йил учун меҳнат бозорининг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 11 июндаги 01/1–12–17/1–234-сонли, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 8 июндаги 01/00–04/07–5112-сонли маълумотномалари). Таклиф этилган кўрсаткичларни ижтимоий-меҳнат кўрсаткичлари қаторига киритилиши натижасида миллий меҳнат бозоридаги ўзгаришлар ҳолатини аниқроқ баҳолаш, таклиф этилган қўшимча кўрсаткичлар таҳлили бўйича меҳнат бозоридаги реал бандлик даражаси ҳолатига таъсир этувчи омил кўрсаткичларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат ресурслари ҳаракати прогноз сценарийларини аниқлаш асосида муқобил тактика ва стратегияларни ишлаб чиқиш имкони ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ифодаланган 22 та иш апробациядан ўтказилган. Уларнинг 7 таси халқаро илмий-амалий анжуманларда, 15 таси республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган ишлардир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 22 таси республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлари материаллари тўпламларида, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда, жумладан, 4 таси республика журналларида ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли бандлигини эконометрик тадқиқ этишининг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳоли бандлигининг моҳияти ва унинг мазмунидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлиги эконометрик тадқиқининг илмий-услубий асослари, бандликка таъсир этувчи омиллар ва улар таъсирининг назарий жиҳатлари ёритилган.

Бандлик ва унинг моҳияти, аҳамияти, турлари ва шаклланиш йўналишлари ҳамда миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири турли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда бандлик, самарали бандлик, бандлик турлари ва унинг хусусиятларига ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Уларнинг барчасида бандликнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳамда энг мақбул бандлик даражасини юзага келтириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалалари асосий ўрин тутди.

Бугунги кунгача яратилган бандлик моделларининг барчасида меҳнатга тўланадиган ҳақ ёки иш ҳақининг моҳияти бошланғич тадқиқот нуқтаси ҳисобланади. Шу сабабли меҳнат бозорида шаклланувчи меҳнатнинг қийматини ифода этувчи иш ҳақи масаласи аҳоли бандлигини тадқиқ этувчи барча иқтисодчилар учун таҳлил объекти бўлган.

Бандлик ва унинг иқтисодий ўсишга боғлиқлиги классик (А.Смит, Д.Рикардо), неоклассик (Ж.Кейнс, О.Филлипс, Р.Солоу), индустриал, постиндустриал ва янги бандлик моделларида ялпи талаб ва ялпи таклиф (IS-LM) модели кўринишида ўрганилган ва ушбу моделлар бандликнинг омилли таҳлили учун илмий-услубий асос ҳисобланади. Мавжуд моделлар моҳияти бўйича иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш моделлари шаклида бугунги кунда бандлик ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлигини асослашда таянч нуқта вазифасини бажармоқда.

Хорижлик олимлардан В.А.Вайсбурд тадқиқотларида “бандлик” тушунчаси фуқароларнинг шахсий ва жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва меҳнатдан даромад келтирувчи, қонун ҳужжатларига зид келмайдиган фаолият сифатида тушунтирилади⁹.

В.В.Адамчук томонидан эса бандлик фуқароларнинг шахсий ва жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва уларга иш ҳақи (меҳнат

⁹Экономика труда: учеб. пособие /В.А.Вайсбурд. –2-изд., стер. –М.: Издательство «Омега-Л», 2012. –С.85–86.

даромадлари) келтирувчи ижтимоий фойдали меҳнат сифатида кўрсатилади¹⁰.

Қ.Х.Абдурахмонов иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолият сифатида талқин қилади¹¹.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда бандликни меҳнатга лаёқатли аҳоли ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этишининг турли шакллари ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категория сифатида тавсифлаш мумкин.

Бандлик иқтисодий ўсишга боғланиши учун асос сифатида қисқа ва узоқ муддатли даврга неоклассик модель ва Кейнс модели¹², Харрод-Домар моделининг алоҳида хусусиятлари¹³, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ўз ичига олувчи Кобб-Дугласнинг стандарт модели¹⁴ олиниши мумкин.

Неоклассик моделга асосан, қисқа муддатли даврда бандлик даражаси реал иш ҳақи даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Шу асосда дастлабки таянч хусусият қуйидаги кўринишда бўлади:

$$L_t = a_0 - a_1 \left(\frac{w}{p} \right)_t \quad (1)$$

Агар бандлик узоқ муддатли давр учун кўрилса, бунда бандлик даражаси фан-техника тараққиёти ёки фойдаланилаётган капитал ҳажмининг ортиши билан ўзгариши мумкин:

$$L_t = a_0 \cdot Y_t^{\alpha_1} \cdot K_t^{\alpha_2} \quad (2)$$

Кейнс назариясига асосан, бандлик самарали талаб миқдorigа боғлиқ бўлади¹⁵. Самарали таклиф сифатида ялпи ички маҳсулот ҳажми (Y)ни оламиз ва шу билан у учинчи ва тўртинчи боғланиш (хусусият)га эгадир:

$$L_t = L_0 = \alpha_1 \cdot Y_t \quad (3)$$

$$L_t = L_0 = \alpha_1 \cdot Y_t^{\alpha_1} \quad (4)$$

Бандлик кўрсаткичларини моделлаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган яна бир модель Кобб-Дуглас модели ҳисобланади:

$$\ln L_t = \alpha_0 - \alpha_1 \cdot \ln K + \alpha_1 \cdot \ln Y \quad (5)$$

Бандлик даражасини моделлаштиришда Кобб-Дугласнинг юқоридаги моделидан фарқ қилувчи, яъни моделга асосий капиталга инвестициялар

¹⁰ Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда: учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2001. – С. 36–37.

¹¹ Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. Қ.Абдурахмонов. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Fan” нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 260-265 б.

¹² Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: учебник. – М.: Высшее образование, 2006. – 654 с.

¹³ Волошенко К.Ю., Дмитриева М.А. Методические принципы прогнозирования рынка труда в условиях роста рискогенности экономики Балтийского региона // Экономика и социум. 2013. № 4. – С. 240–248.

¹⁴ Клейнер Г.Б. Методы анализа производственных функций. – М.: Информ электро, 1980. – С.72.

¹⁵ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. – 352 с.

ҳажми (I) киритилган модификациялашган моделдан ҳам фойдаланиш мумкин:

$$\ln L_t = \alpha_0 - \alpha_1 \cdot \ln K_t + \alpha_2 \cdot \ln Y_t - \alpha_3 \cdot \ln I_t \quad (6)$$

Иқтисодий ўсишни назарда тутувчи моделларни кўриб чиқишда иқтисодий ўсиш категорияси учта компонент – техника тараққиёти, капитал жамғариш ва меҳнат ресурсларига ёйилган Солоу моделига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим¹⁶. Харрод-Домар модели ҳам Солоу моделига таянади, яъни Харрод-Домар моделида иқтисодий ривожланишни моделлаштириш учун илмий-техника тараққиёти кўринишидаги экзоген омилдан фойдаланилади¹⁷:

$$\frac{Y(t+1) - Y(t)}{Y(t)} = \frac{\alpha_1 \cdot (K(t+1) - K(t))}{K(t)} + \frac{\alpha_2 \cdot (L(t+1) - L(t))}{L(t)} + \frac{\sigma \cdot I(t)}{K(t)} \quad (7)$$

Юқорида кўриб ўтилган моделлар асосида аҳоли бандлиги кўрсаткичларини моделлаштириш бугунги кунда турли мамлакатлар, минтақалар ва ҳудудларда аҳоли бандлиги даражаси ўзгаришини эконометрик тадқиқ этиш ҳамда кўрсаткичларни прогнозлаш учун илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни эконометрик таҳлил қилиш ва моделлаштиришнинг дастлабки босқичида ўрганилаётган жараён бўйича асосий омил гуруҳларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўрганилаётган жараёндаги эндоген омил ва унга таъсир этувчи экзоген омилларни ҳамда уларнинг натижавий омил билан боғланиш даражасини тўғри аниқлаган ҳолда эконометрик моделга омилларни жойлаштириш таҳлилнинг ҳаққонийлигини оширади. Омилли таҳлил борасида сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар омилларнинг казуал (сабаб-оқибат) боғлиқлиги ҳам ижтимоий-иқтисодий жараёнларни кўп омилли баҳолашда айрим ҳолатларда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётда меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи омиллар турли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, умумий ҳолда бандликка таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички омиллар гуруҳига ажратиш мумкин¹⁸.

Меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи ташқи омиллар сиёсий, иқтисодий, технологик ва ижтимоий омиллардан ташкил топган (1-жадвал).

Сиёсий омиллар мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг барқарорлиги, мавжуд қонунчилик тизимининг самарадорлиги ҳамда турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиниши билан боғлиқ ҳолатлардан келиб чиқувчи таъсирларни ўз ичига олади.

Иқтисодий омиллар мамлакат иқтисодиётида амал қилаётган бозор механизмларининг самарадорлиги, солиққа тортиш ҳамда молия-кредит

¹⁶ Гуртов В.А., Питухин Е.А. Математическая модель прогнозирования спроса и предложения на рынке труда в российских регионах // Обозрение прикладной и промышленной математики. 2004. Т. 11. Вып. 3. – С. 539.

¹⁷ Гуртов В.А., Питухин Е.А., Серова Л.М. Моделирование потребностей экономики в кадрах с профессиональным образованием // Проблемы прогнозирования. 2007, № 6. С. 91–107.

¹⁸ Узякова Е.С., Узяков М.Н. Занятость и эффективная занятость в Российской экономике // Проблемы прогнозирования. – 2011, № 6. С. 89–101.

тизимлари барқарорлик ҳолатидан келиб чиқувчи таъсирларни, технологик омиллар аҳолининг янгиликларни жорий этишдаги фаоллик даражаси, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, жорий этилаётган технологик жараёнларнинг ривожланувчанлиги, ушбу технологияларнинг мобиллиги, ходимларнинг технологияларни қўллашдаги малака даражаси ва бошқа омиллардан ташкил топган.

1-жадвал

Бандликка таъсир этувчи ташқи омиллар таснифи¹⁹


Омиллар гуруҳлари	Омилларнинг тури	Омиллар таъсирининг мазмуни
Сиёсий омиллар	Мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг барқарорлиги	Ушбу омил меҳнат ресурслари бандлиги даражасининг ортиши ёки пасайишига тўғридан тўғри ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади.
	Мамлакатдаги қонунчилик тизимининг самарадорлиги	Мамлакатдаги қонунчилик тизимининг самарадорлиги ҳолати бандлик даражаси ҳолатининг яширин ёки легаллик даражасини белгилайди, яъни яширин ёки легал иқтисодиётда бандликнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади.
	Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш сифати	Солиққа тортиш, бюджет, инвестициялар, нархлар ва бошқа жараёнлар давлат томонидан тартибга солинишининг сифат хусусиятлари бандлик даражаси ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади.
Иқтисодий омиллар	Бозор механизмларининг самарадорлиги	Бозор механизмлари самарадорлиги даражаси бандлик даражаси билан тўғри боғлиқликда бўлиб, самарадорлик юқори бўлса, бандлик даражаси ортади ва аксинча, паст бўлса, бандлик ҳолати ёмонлашади.
	Солиқ тизимининг барқарорлиги	Солиқ тизимининг барқарорлик ҳолати мамлакат ҳудудида иқтисодий фаоллик даражаси барқарорлиги билан бандликнинг барқарор ҳолатини таъминлайди ёки аксинча.
	Молия-кредит тизимининг барқарорлиги	Молия-кредит тизимининг узоқ муддатга мўлжалланган йўналиши ўзгармаслиги келгуси даврда иқтисодий фаоллик даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали бандлик ҳолати оптимал даражада бўлишига олиб келади.
Технологик омиллар	Мамлакатдаги инновацион фаоллик даражаси	Инновацион фаоллик даражаси янгиликлар жорий этилиши билан бандликнинг янги шакллари ҳисобига бандлик даражаси ўзгаришига таъсир этади.
	Ахборот технологияларининг қўлланилиш даражаси	Меҳнат ресурсларининг малака даражаси бўйича қўшимча талаблар қўйилиши билан бандлик даражаси ўзгаришига таъсир кўрсатади.
	Технологик жараёнларнинг ривожланувчанлиги	Қўшимча билим ва малака талаблари қўшилиши ҳамда қўл меҳнати қисқариши билан бандлик даражаси ўзгаришига таъсир кўрсатади.
	Технологияларнинг мобиллиги	Технологияларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришнинг осонлиги турли ҳудудларда янги иш жойларини яратиш имконини кенгайтиради.
	Ходимларнинг малака даражаси	Меҳнат бозоридаги меҳнат ресурслари малака даражасига қўйилаётган талабларнинг ўзгариши малакали ишчиларни тайёрлаш тизими кенгайишига олиб келади.
Ижтимоий омиллар	Аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси ва сифати	Аҳоли даромадларининг ўзгариши турмуш фаровонлиги даражаси ва сифати ўзгаришига таъсир кўрсатади.
	Аҳолининг таълим олиш даражаси ва сифати	Замонавий билимларни талаб этувчи янги иш ўринлари янги соҳа ва тармоқлар учун турли янги билимларни талаб этиши билан бандлик сифатига қўйилаётган талабларни белгилайди.

¹⁹ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ижтимоий омилларнинг бандликка таъсири меҳнат ресурсларининг юқори турмуш фаровонлиги даражасига эришиши натижасида шаклланувчи шахсий хусусиятлар (ҳаракатчанлик, ундовчанлик, янгиликларга интилувчанлик, касбий малакани оширишга интилиш, малака талабларига жавоб беришга ҳаракат) пайдо бўлиши билан кузатилади.

Бандлик даражасидаги ижобий ўзгаришлар тенденциялари кўп жihatдан кўриб чиқилган омилларнинг биргаликдаги таъсирига боғлиқ, аммо кўп ҳолларда уларни бошқариш имконияти чегараланиб қолади. Ушбу ҳолат нафақат иқтисодиётдаги бизнес муҳити, балки давлат бошқарув тузилмаларига ҳам боғлиқ.

Бундай ҳолатларда омилларни бошқаришда давлат тузилмалари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлган ички омилларга таяниши лозим (1-расм).



1-расм. Бандликка таъсир этувчи ички омиллар таснифи²⁰

Юқорида кўриб ўтилган экзоген ташқи ва ички омилларнинг барчаси казуал (сабаб-оқибат) боғланишига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқа омилнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади, шу билан бир вақтнинг ўзида бу омилнинг ўзи ҳам бошқа экзоген омил билан казуал боғлиқликда бўлади.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда назарий жиҳатдан таснифланган ташқи ва ички омилларни бошқариш асосида бугунги кунда жаҳон миқёсида бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солишнинг 5 та модели – АҚШ модели, “швед” модели, “англосаксон” модели, “континентал” ёки “немис” модели ва “япон” модели шаклланган ҳамда амалиётда қўлланилмоқда.

Институционал ўзгаришлар ҳамда миллий меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатига боғлиқ бўлган таъсир этувчи омилларни тўғри бошқариш асосида бандлик моделининг амалга оширилиши маълум бир давр оралиғида самарали бандлик даражасига эришиш имконини кенгайтиради.

²⁰ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Миллий меҳнат бозорида аҳоли бандлиги даражасининг ўзгариш тенденциялари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ҳолати ҳамда меҳнат бозоридаги бандлик даражасидаги ўзгаришларнинг ҳудудий ва тармоқ таҳлили амалга оширилган, миллий меҳнат бозорида норасмий бандликни аниқлаш ва унинг чегараларини белгилаш услубиёти таҳлили асосида ишлаб чиқилган сўровнома шакли негизида Ўзбекистон шароитида норасмий бандлик чегараларини белгилаш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аҳоли бандлигидаги тенденциялар ўзгаришини таҳлил қилиш учун расмий статистик маълумотларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг меҳнат бозори бўйича 2011-2020 йиллардаги асосий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди.

2-жадвал

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича 2011-2020 йилларда аҳоли бандлиги даражаси ҳолати²¹, %

Ҳудудлар	Йиллар										2020 йилда 2011 йилдагига нисбатан мутлоқ ўзгариш (+, -)
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Ўзбекистон Республикаси	66,2	66,6	67,1	67,7	68,2	68,7	69,2	67,4	68,3	66,1	-0,1
Қорақалпоғистон Республикаси	57,0	57,4	57,7	57,9	58,1	58,1	58,3	62,9	63,0	61,3	4,3
<i>Вилоятлар</i>											
Андижон	68,6	69,0	69,9	70,8	71,5	72,3	73,0	69,6	70,2	67,1	-1,5
Бухоро	73,5	74,1	74,4	74,0	73,4	72,9	72,5	70,7	69,3	67,8	-5,7
Жиззах	56,0	56,0	56,5	57,3	58,1	59,1	60,0	61,6	67,2	66,0	10,0
Қашқадарё	61,1	61,2	61,8	62,5	63,3	64,3	65,4	64,8	64,1	61,5	0,4
Навоий	74,6	74,7	74,1	73,6	73,2	72,8	72,4	69,2	69,5	67,6	-7,0
Наманган	56,6	57,2	58,1	59,3	60,5	61,9	63,4	63,8	66,5	64,4	7,8
Самарқанд	64,0	64,7	65,4	66,5	67,6	68,7	69,7	66,3	65,4	62,8	-1,8
Сурхондарё	62,2	62,3	62,7	63,4	64,3	65,4	66,6	65,2	67,2	63,6	1,4
Сирдарё	72,1	72,2	72,5	72,9	72,2	71,7	71,1	70,5	69,0	65,0	-7,1
Тошкент	71,8	72,9	74,0	75,1	75,3	75,4	75,2	71,4	71,5	69,0	-2,8
Фарғона	67,9	68,0	68,3	68,8	69,1	69,6	69,9	66,0	67,6	64,6	-3,3
Хоразм	63,3	63,9	64,3	65,0	65,6	66,3	66,9	64,6	66,2	63,5	0,2
Тошкент шаҳри	80,7	80,7	80,7	80,9	81,1	81,0	80,8	77,5	80,5	83,2	2,5

Меҳнат бозори кўрсаткичларининг таркибий ўзгариши бўйича статистик таҳлил ўтган 10 йил давомида иқтисодий фаол аҳоли сонининг доимий аҳоли

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сонидаги ва меҳнат ресурслари сонидаги улуши, иқтисодиётда бандлар сонининг меҳнат ресурслари сонидаги улуши барқарор ўсиб бориши билан бирга, меҳнат ресурслари сонининг доимий аҳоли сонидаги улуши, иқтисодиётда бандлар сонининг доимий аҳоли сонидаги ва иқтисодий фаол аҳоли сонидаги улуши пасайганлигини кўрсатади.

Умумлашган кўрсаткичлар меҳнат бозоридаги номутаносибликлар натижасида бандлик ҳолатида юзага келаётган муаммолар илдизини очиб бера олмаслигини эътиборга олган ҳолда аҳоли бандлиги ҳолати мамлакат ҳудудлари ҳамда миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари кесимида таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

Ҳудудлар кесимида бандлик даражасининг ўтган 10 йил давомида юқори суръатларда ортиши Қорақалпоғистон Республикаси (4,3 %), Жиззах (10,0 %), Сурхондарё (1,4 %), Наманган (7,8 %) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (2,5 %) да кузатилади. Аммо, шундай ҳолат кузатилсада, 2020 йил якунларига кўра ушбу ҳудудларнинг бандлик даражаси мамлакат даражасидан анча паст ҳолатини сақлаб қолганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳудудлар кесимида бандлик даражасининг пасайиши эса Бухоро (-5,7 %), Навоий (-7,0 %), Сирдарё (-7,1 %), Фарғона (-3,3 %) вилоятларида кузатилади.

Бандлик даражасининг миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари кесимида таҳлил қилиш ҳам ўрганилаётган ҳолатнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш имконини беради (3-жадвал).

3-жадвал

Миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича 2011-2020 йилларда бандлик даражасининг ўзгариши, % да²²

Тармоқ ва соҳалар	Йиллар										2020 йилда 2011 йилдагига нисбатан мутлоқ ўзгариш (+, -)	
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020		
Миллий иқтисодиёт бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-
<i>тармоқлар ва соҳалар</i>												
Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик	27,1	26,6	27,2	27,5	27,6	27,4	27,2	26,6	26,2	26,9		-0,2
Саноат	13,8	13,7	13,6	13,5	13,5	13,6	13,5	13,6	13,5	13,5		-0,3
Қурилиш	9,0	9,0	9,1	9,2	9,4	9,5	9,5	9,1	9,8	9,6		0,6
Савдо	10,7	10,7	10,7	10,8	10,8	10,9	10,9	10,6	10,6	10,3		-0,4
Ташиш ва сақлаш	4,4	4,5	4,6	4,6	4,7	4,8	4,8	4,9	4,8	4,7		0,3
Таълим	9,3	9,0	8,8	8,6	8,5	8,3	8,2	8,4	8,4	8,8		-0,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	5,0	4,9	4,8	4,7	4,6	4,5	4,5	4,6	4,6	4,9		-0,1
Бошқа тармоқ ва соҳалар	20,8	21,6	21,2	21,0	20,9	21,0	21,4	22,3	22,3	21,3		1,3

²² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари кесимида бандлар тақсимотининг 2011-2020 йиллар давомидаги таҳлили иқтисодиётда бандларнинг 75-80 %и қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик, саноат, қурилиш, савдо, ташиш ва сақлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларида, қолган 20-30 %и эса янги шаклланаётган соҳа ва тармоқларда бандлигини кўрсатади. Шу билан бирга таҳлил орқали қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида бандлар сони йиллар давомида барқарор ўсиб борган ҳолда, бу соҳалардаги бандларнинг миллий иқтисодиётдаги жами бандлар сонидagi улушининг қисқариб бориш тенденцияларини аниқлаш мумкин. Шундай бўлса-да, янги шаклланиб, тез суръатларда ривожланиб бораётган ташиш ва сақлаш соҳасидаги бандлар сони ва уларнинг жами банд аҳоли сонидagi улуши ривожланиш даражасига мутаносиб равишда тез суръатларда ортиб бормоқда.

Меҳнат бозоридаги аҳоли бандлиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг статистик таҳлили ҳудудлар ва тармоқлар кесимида бандлик ҳолатининг ўзгаришида юзага келаётган аниқ тенденцияларни аниқлаш имконини беради.

Бугунги кунда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) томонидан бандлик икки асосий белги – ишлаб чиқариш бирликлари (корхоналар) тури ва иш ўринлари тури бўйича расмий ва норасмий бандликка бўлинади. Шу билан бирга иш ўринлари мавжуд бўлган ишлаб чиқариш бирликлари (корхоналар) уч асосий гуруҳга: расмий сектор корхоналари, норасмий сектор корхоналари ва уй хўжаликларига бўлинади. Кўрсатиб ўтилган корхоналардаги иш ўринларининг қайси бири расмий бандликка, яна қайси бири норасмий бандликка тегишли эканлигини аниқлаш услубий жиҳатдан маълум бир қийинчиликлар туғдиради.

Миллий статистика тизимида қўлланилаётган бандлик кўрсаткичларининг барчаси тўлиқ бандлик шароити учун мўлжалланган бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожланиши билан юзага келаётган ўзгаришлар натижаси ҳисобланган бандлик ва ишсизлик шакллари ушбу статистик кўрсаткичлар тизимида сўнгги даврларда ҳисобга олинмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда миллий статистика тизимида иқтисодиёт секторларида мавжуд бўлган норасмий бандлик мақомини ҳамда унинг чегараларини аниқлаш борасида олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотлар етарли даражада эмас.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тадқиқот иши доирасида халқаро услубиёт моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда норасмий бандлик мақоми ва чегараларини аниқлаш услубиётини такомиллаштириш бўйича изланишлар амалга оширилди.

Расмий ва норасмий сектордаги бандлик шакллари ажратиб олиш анча мураккаб жараёндир. Тадқиқот доирасида 3 та ҳудудий бирликда ўтказилган анкета сўровномалари натижалари асосида расмий ва норасмий бандлик ҳажмини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган сўровнома шакли ва норасмий бандликни аниқлаш алгоритмидан миллий статистиканинг меҳнат статистикаси кўрсаткичларини ҳисобга олиш

тизимда фойдаланиш тавсия этилади. Тавсия этилган услубидан фойдаланиш меҳнат бозоридаги иш ўринлари иқтисодиётнинг қайси секторига тегишли эканлигини аниқлаш билан бирга иқтисодиёт секторларидаги норасмий бандликни расмий бандлик мақомига ўтказиш бўйича чора-тадбирларни аниқроқ ва манзилли ишлаб чиқиш имконини беради.

Статистик маълумотлар асосида мамлакат ҳудудларини гуруҳлаган ҳолда миллий меҳнат бозоридаги норасмий бандлик даражасига бир қатор омилларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида мамлакатимиз ҳудудлари норасмий бандлик даражаси бўйича статистик гуруҳлаш натижасида норасмий бандлик кўрсаткичини ишсизлик даражаси, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция ҳажми, ҳудудлардаги кичик корхоналар ривожланиши даражаси ҳамда аҳоли жон бошига ўртача реал умумий даромадлар ҳажмига боғлиқлиги ўрганилганда, унинг ишсизлик даражасига тўғри боғлиқликда эканлиги, қолган кўрсаткичларга тескари боғлиқликда эканлиги аниқланди.

Мамлакатимизда норасмий бандлар сонини натижавий омил, аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар, инфляция даражаси, 100 минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони, ишсизлик даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми ва инвестициянинг ўртача ҳажми каби кўрсаткичларни таъсир этувчи омил сифатида белгиланган ҳолда ушбу омилларнинг эргодик вақтли қатор кўрсаткичлари асосида корреляцион-регрессион таҳлил амалга оширилди. Таҳлил натижасида ўзида норасмий бандлар сонига асосий 4 та омилнинг таъсирини ифодаловчи модель ишлаб чиқилди:

$$Y = \frac{X_1^{0.5312} \cdot X_2^{0.2312}}{X_3^{0.0227} \cdot X_4^{0.02} \cdot X_5^{0.066}} \quad (8)$$

Чизиқсиз боғланиш шаклида аниқланган модель бўйича агар мамлакат даражасида ишсизлик даражаси 1 %га ортса, иқтисодиётдаги норасмий бандлар сони $X_1^{0.5312}$ минг бирликка кўшимча ортади ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми минг сўмга, инфляция даражаси 1 %га ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ўртача ҳажми минг сўмга оширилса, норасмий бандларнинг умумий сони кўрсаткичлар даражасига нисбатан мос равишда камаяди.

Тренд моделлари асосидаги прогноз кўрсаткичлари яқин келажакда норасмий бандлик даражаси ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари ўсиб бориш тенденциясига эга бўлишини кўрсатмоқда (2-расм).

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, норасмий бандлик ҳолатини легаллаштириш учун солиқ ва пенсия тизимидаги имтиёزلарни кенгайтириш, норасмий бандлик мақомининг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатларини такомиллаштириш, ҳуқуқий шахс мақомидаги субъектлар учун ишчи кучини норасмий жалб этиш ҳолатига қўлланиладиган маъмурий-иқтисодий жазо чораларини кучайтириш, норасмий бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда минтақалар орасидаги тафовутни ҳисобга олган ҳолда табақалашган ва эгилувчан ёндашувни қўллаш ҳамда бандликнинг ушбу

турига бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларни самарали бошқариш орқали норасмий бандларни расмий меҳнат бозорига кўчиб ўтишини таъминлаш йўналишидаги фаолият талаб этилади, деб ҳисоблаймиз.



2-расм. Ўзбекистонда норасмий бандлар сонининг ўзгариш кўрсаткичлари²³, минг киши ҳисобида

